

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

МАЪРИФАТПАРВАР ШОИР

ТОШКЕНТ – 2003

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

МАЪРИФАТПАРВАР ШОИР

**Абдулла Авлоний таваллудининг 125 йиллиги
муносабати билан**

Методик-библиографик кўлланма

ТОШКЕНТ-2003

78.342

М35

Илмий-методик бўлим томонидан тайёрланди

Тузувчи: М.Матмурадова

Муҳаррир: Ў.Маматраимова

Компьютерда терувчи: З.Джалилова

Маъсул муҳаррир: А.Турсунов

М35

Маърифатпарвар шоир: Методик библиографик
қўлланма /Тузувчи: М.Матмурадова; Маъсул муҳаррир:
А.Турсунов.-Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси, нашриёт матбаа бўлими, 2003.-40 б.

ББК 78.342+83.3 (5У)

Маърифатпарвар шоир Абдулла Авлоний таваллудининг 125
йиллигига бағишланган ушбу методик-библиографик қўлланма шоир
ижодини, педагогик фаолияти, меросини чуқур ўрганиш, тарғиб ва
тарғибот қилишда кутубхона ходимларига ёрдам бериш
мақсадида тузилган. Унда кутубхоначилар ўтказиши мумкин
бўлган тadbирлар туркуми ҳақида маълумотлар берилган.

№ 333-2003

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон

Миллий кутубхонаси

*Мактаблар очиб, кенг халқни
маърифатли қилишга, ёшларни даврнинг
илғор руҳида тарбиялашга уринди.
Таълимий-ахлоқий асарлар, дарсликлар
ёзиб, ўзбек педагогик фикри тараққиё-
тида сезиларли из қолдирди.*

Б.Қосимов

Шўро даври адабиётшунослигида етарли аксини топмаган мавзу ва қаҳрамонлар истиқлол шароитида чуқур ва ҳар томонлама холис ўрганилиши баробарида бадиий адабиётда ўз аксини топмоқда. Кишилар тафаккурида ўзининг иккинчи умрини яшаётган ана шундай адиблардан бири Абдулла Авлониёдир.

У миллий уйғонишга чорловчи ғояларини илгари сурган жаҳид ҳаракатининг йирик вакилларида биридир. Абдулла Авлониё миллиятнинг маънавий инқирозда бўлишини танқид қилди, барчани саводли бўлиш, замонавий фан, маданият ютуқларни эгаллашга чақирди.

XX аср бошларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва педагогик фикрларнинг ривожига Авлониё алоҳида ўрин эгаллади, бутун фаолияти давомида халқ маънавиятини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор берди.

Унинг маданиятимиз тарихидаги ўрни ҳақида гап кетганда, икки жиҳатини алоҳида таъкидлаш зарур: педагогик фаолияти ва адабий-бадиий ижоди. Абдулла Авлониё педагогик жиҳатдан ҳам истеъдодли шоир, драматург, олим сифатида бой ва мазмунли асарлар яратди, у яратган асарлар кутубхоналаримиз каталог ва картотекаларида ўз аксини топган.

Бу борада кутубхоналарнинг вазифаси китобхонлар диққатини Абдулла Авлониё ижодига жалб қилиш ва унинг ижодини китобхонлар ўртасида тарғиб қилишдан иборат.

Бу ишда кутубхоналар тарғиботнинг китоб тақдимоти, илмий-амалий конференция, китобхонлар конференциялари, учрашув кечалари, савол-жавоб кечалари, давра суҳбати, билимдонлар беллашуви, мавзули ва мунозара кечалари, хотира соати, китоб кўргазмалари сингари турли туман шакл ва усулларида фойдаланишлари мумкин.

Бундай тадбирлар туркумини ташкил этиш учун кутубхоналарда мавзунинг асосини китобхонларга тушунарли шаклда етказиб бера оладиган филологлар, санъатшунослар, диний арбоблар, жамоат арбобларини жалб қилиш лозим.

Кутубхоналарга «Маънавият ва маърифат» жамоатчиликлари, марказининг жойлардаги бўлимлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Олтин мерос», «Умид», «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун», хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа жамғармалар билан ҳамкорлик ўрнатиш тавсия қилинади.

Ушбу методик-библиографик қўлланмада кутубхоналарда Абдулла Авлонийнинг 125 йиллигига бағишланган тадбирларни ўтказишга кутубхоначиларга ёрдам бериш мақсадида китобхонлар билан ишлашнинг айрим шакллари кўриб чиқилган.

Абдулла Авлоний ҳаёти ва фаолияти (1878-1934)

XIX аср охири XX аср бошидаги ўзбек миллий маданиятининг машҳур вакилларида бири атоқли маърифатпарвар шоир, драматург, журналист, олим, давлат ва жамоат арбоби Абдулла Авлоний 1878 йил 12 июлда Тошкентнинг Мерганча маҳалласида, тўқувчи Миравлон ака оиласида дунёга келган.

Абдулла Авлоний ўз таржимаи ҳолида ёзишича: «1885 йилдан бошланғич мактабда ўқидим. Ўқчи маҳаллада Ақромхон домладан хат-саводим чиқди. 1890 йилда мактабни биташиб, маҳалладаги мадрасада дарс ўқий бошладим. Ёшим 13га етгач, йўқсуллик менга таъсир қилди. Ёз кунларида

мардикорлик қилиб, ота-онамга биров ёрдамда бўлиб, киш кунларида ўқир эдим. Сўнгра Ўқчи маҳалладаги домламизнинг кам ҳавсалалигидан, ўқувда давомсизлигидан Ўқчи мадрасасини тарк қилиб, 14 ёшимда Шайхантавурдаги Абдулмаликбой даҳасига келиб, Мулло Умар Охунддан дарс ўқий бошладим. Бу чоқларда ҳам киш кунларида ўқиб, ёз кунларида мардикор ишламоққа мажбур эдим».

У 1894 йилдан бошлаб шеърлар ёзишга киришди бироқ ёшлик даврида ёзган шеърлари бизгача сақланмаган.

Абдулла Авлоний 1904 йилда жаидлар сафига қўшилади. «Жаид мактаби» очиб ўқитувчилик қила бошлайди.

У 1907 йилда Тошкентнинг Миробод маҳалласида, кейинчалик Дегрез маҳалласида янги усулдаги мактаблар очди. Мактаблардаги ўқув асбоб-жиҳозларини ўзгартирди, ўз қўли билан парта ва доскалар ясади. Мактабга қабул қилинган болаларнинг асосий қисми камбағал кишиларнинг фарзандлари бўлганлиги учун улар таъминотини яхшилаш мақсадида «Жамияти хайрия» ташкил этади ва бу жамиятга ўзи раислик қилади. «Нашриёт» ширкати тузиб, Хадрада «Мактаб кутубхонаси» номли китоб дўкони очади. У янги мактаблар учун қўлланма ва ўқув китоблар ёзиб, нашр қилдирган.

Жумладан «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» тўрт қисмдан иборат, «Биринчи муаллим» (1911), «Иккинчи муаллим» (1912), «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» (1913), «Мактаб гулистон» (1915), «Мардикорлар ашувласи» (1917) ва бошқа дарслик ва ўқиш китобларини яратган. Бу асарларида ҳамда публицистика мақолаларида дунё халқлари маданиятини, илм-фанни улуғлаб ўз халқини маданиятли бўлишга чақиради.

У 1906 йилда «Тараққий», «Хуршид» газеталарини чиқарган. Кейинчалик 1907 йилда «Шуҳрат» ва «Осиё» номли янги газеталар чиқара бошлаган. Қисқа фурсатда бу вақтли нашрлар эл орасида доврў қозонди. Бундан ташвишга тушган чор амалдорлари ушбу газеталарни ёптириб қўяди. Кейинчалик Авлоний «Садойи Туркистон», «Турон», «Ишти-

рокиюн» газеталарида, «Касабачилик ҳаракати» журнагида бош муҳаррир бўлиб ишлайди ва шу баробарида ўзбек матбуотининг асосчиларидан бири сифатида халққа танилади.

Абдулла Авлоний ўзбек театрининг асосчиларидан бири эди. У 1913 йилда «Туркистон» номли театр труппасини ташкил этишда ва унинг ишида фаол қатнашган. «Туркистон» ўзининг қатъий Низомини ҳам эълон қилган эди. Унинг ташкилотчиси ҳам, ғоявий-бадий раҳбари ҳам Авлоний эди. Труппа «Заҳарли ҳаёт» (Ҳамза), «Бахтсиз куёв» (Абдулла Қодирий) каби XX аср бошлари ўзбек драматургиясининг энг яхши намуналарини саҳналаштирган. Театр озарбайжон ва татар драматурглари асарлари «Бадбахт келин», «Хўр-хўр», «Жаҳолат», «Ўликлар», «Жой ижарага олган киши», «Ман ўлмишам», «Лайли ва Мажнун», «Асли ва Қарам», «Қотили Қарима», «Уй тарбиясининг бир шакли», «Хиёнаткор оила»ларни ўзбекчага таржима қилиб саҳнага қўйган. Абдулла Авлонийнинг ўзи Файзибой («Бахтсиз куёв»), Алибой («Тўй»), Бой («Падаркуш») ролларини ижро этган.

У труппа учун «Адвкатлик осонми?», «Пинак», «Биз ва Сиз», «Икки севги», «Пўртуғалия инқилоби» каби драмаларини ёзади.

Абдулла Авлоний XIX аср рус мумтоз адабиёти вакиллари И.А.Қрилов ва Л.Н.Толстойнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган, жумладан, И.А.Қриловнинг 21та масали, «Маймун ила қўзойнак», «Ғайри жинсий иттифоқ», «Ит ила йўловчи», «Қарға ила Зағизғон», «Тулки ила Қарға» каби асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, «Мактаб гулистони» китобида босилиб чиққан.

Бу борада Ж.Шарипов «Мактаб гулистон» китобидаги таржималарини атрофлича таҳлил этиб, уларнинг сифатига ҳам юксак баҳо беради. «Абдулла Авлоний асл нусханинг мазмунини, бадий нафосати, чиройли образларини тўғри талқин қилиб, эҳтирос билан таржима этган», - деган.

Абдулла Авлониёнинг 1913 йилда «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари босилиб чиқди. У 1917 йилга келиб иккинчи марта нашр қилинди, асарда инсонларни «яхшиликка чақиргувчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илм» – ахлоқ ҳақида фикр юритилган.

У инсонга хос хулқни иккига - яхши ва ёмонга ажратади. «Яхши хулқлар» деб номланган биринчи қисмида у 31 фазилат, «Ёмон хулқлар» деб аталган иккинчи қисмда эса 20 иллатга таъриф беради. Ўз мулоҳазаларини далиллаш учун Қуръон оятлари ва ҳадислардан, шунингдек, Арасту, Суқрот, Ибн Сино, Саъдий, Мирзо Бедил сингари машҳур мутафаккирларнинг фикрларини келтиради. Ҳар бир ахлоқий категорияга ўз муносабатини билдиргач, ўша фикрнинг мазмунини ифодаловчи байт ё бирор мақол-һикмат илова қилади.

Авлоний «ахлоқ уламси»нинг қарашлари асосида инсонларнинг хулқларини яхши ва ёмон хулқларга ажратади, бунга уларнинг нафс тарбиясини асос қилиб олади. У яхши хулқларга фатонат, назофат, шижоат, интизом, виждон, ватанни суймак каби фазилатларни киритса, ғазаб, шаҳват, жаҳолат, сафоҳат каби иллатларни ёмон хулқнинг белгилари деб билади.

Авлонийнинг маърифатпарварлик ва миллий уйғониш ғояларини қуйлаган дастлабки шеърлари ўзбек миллий уйғониш даври адабиётининг ҳамиша бебаҳо мулки бўлиб қолади. У бу туркумга мансуб шеърларида ўзбек мумтоз адабиётидаги шеърини шаклларни катта ижтимоий мазмун, маърифатпарварлик ғоялари, ҳажвий руҳ ва халқона оҳанглар билан бойитди.

Абдулла Авлониё болалар учун ҳам бир қанча шеър ва масаллар ёзган. Шоир бу асарларида мактаб ёшидаги болаларнинг фикр доирасини кенгайтириш, уларда мактаб ва китобга, меҳнатга, табиатга, Ватанга муҳаббат уйғотишни мақсад қилиб қўйган. Унинг кўпгина шеърлари замирида Ватанни севиш ғояси ётади. Шоир бу шеърларида Ватанни содда ва самимий мисраларда тасвирлаганки, фақат ўша 10-йилларнинг ўрталаридагина эмас, балки бугунги мактаб

ёшидаги болалар ҳам улардан катта эстетик завқ олишлари мумкин. Дарҳақиқат, шоир Ватан таърифини бошлаб, «Тоғларидан конлар чиқар, Ерларидан донлар чиқар... Ҳавоси ўта ёқумлик, Чўллари бор тошлик, кумлик, Тошканд эмас, тошканд эрур, Кесаклари гулканд эрур», дея болаларда она диёрга катта меҳр уйғотишга эришади.

Маърифатчилик ва ижтимоий мавзу Авлоний шеъриятида марказий ўрин эгаллайди. Шоир илм-фаннинг фазилатларини завқ билан куйлайди. «Мактаб», «маориф», «илм», «фан» каби тушунчалар шоир шеърларида эзгуликнинг бетимсол рамзи, образи даражасига кўтарилади, «жаҳолат» ва «нодонлик» эса зулмат ва ёвузлик тимсоли сифатида талкин қилинади.

Жумладан, «Мактаб» шеърида шундай таърифланади:

Мактабдур офтоби жаҳон саодатинг,
Мактабдур осмони замон сабоватинг.
Мактаб у жойи дилкаш ширин мақомдур,
Мактаб беҳишту жаннат ҳур табиатинг.
Мактаб дилингга сочғуси илму фунунни,
Мактаб зиёда қилғучидир ақлу ҳикматинг.
Мактаб қўлингни тутдими, бошлар ҳидоята,
Мактаб раису раҳбаридур дин, миллатинг.

Абдулла Авлоний «Илм» шеърида эса илмга бундай таъриф беради:

Илмдур икки жаҳон манзилининг аълоси,
Илмдур икки жаҳон маснадининг болоси,
Илмдур икки жаҳон роҳатининг маъвоси,
Илмдур икки жаҳон шавкатининг барпоси,
Яшамак истар эсак, илма равон ўлмалиюз.
Илмсиз қолсак, асоратга нишон ўлмалиюз.

Мумтоз адабиётимизда минг йиллардан бери ишланиб келган гул, булбул, ёр, ағёр, май, чарх каби образлар, Авлоний ижодида бошқача оҳанг, бошқача мазмун касб этади.

Шоирнинг «Таърифи гул» шеърида гул анъанавий маъшуқа эмас, бу ерда беихтиёр хор, золим истибдодини, бағри қон гул эса жафокаш халқни эслатади. Абдулла Авлоний тасвирлаган гул образи меҳнаткаш халқ тушунчасига яқиндир.

Жумладан, шоир шеърлари орасида «Садойи булбул», «Ҳижрони булбул», «Ғиғони булбул» каби шеърлар бор. Булар ҳам аксарият ҳолларда гул (маъшуқа) ишқида ёниб ўртанаётган ошиқ эмас, қўп ўринларда мазлум Туркистонга қарата: «Уйғон!»-деб бонг ураётган лирик шоир образини ифодалайди.

Қўнуб гул шоҳига булбул дер: Эй инсонлар, инсонлар!
Қилурсиз тобақай ғофил ётиб, ағғонлар, инсонлар.
(«Садойи булбул» шеъридан)

Кеча-кундуз қафасда, оқ гул, деб айлаюр фарёд,
Омон бермас анга золим қафас, озор ўлур булбул.
(«Ҳижрони булбул» шеъридан)

Абдулла Авлонийнинг «Мухтасар тарихи анбиё ва тарихи Ислом» асари ҳам мавжуд. Ушбу асар бошланғич мактабларнинг ўқувчиларига мўлжалланган. Бу асар биринчи марта 1910 йилда Мунавварқори томонидан Тошкентда Ильин босмахонасида босилган. Мустақиллик йилларида эса Зокирхон Афзалов Шокирхон ўғли томонидан 1994 йилда «Фан» нашриётида чоп этилган. Рисолада Одам алайҳиссаломдан Муҳаммад алайҳиссаломгача ўтган пайғамбарларнинг қиссалари ва зуҳури ислом зикр этилган.

Ислом тарихи фанида пайғамбарлар тарихи, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаётлари ва Ислом дини тарихи, шунингдек, илк халифалик даври тарихи уч босқичда ўрганилади. Насируддин Рабғузийнинг «Қиссайи Рабғузий»,

Алишер Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарлари пайғамбарлар тарихига оид бўлса, Алихонтўра Соғунийнинг «Тарихи Муҳаммадий»си иккинчи ва Ризоуд-дин ибн Фахруддиннинг «Хулафои рошидин» асари учинчи даврни ўз ичига олади. Абдулла Авлоний асари мана шу уч даврни мужассамлаштирган. Адибнинг асосий кўзлаган мақсади миллат келажаги бўлган болаларни бошланғич синф-данок қисқача бўлса-да Ислом тарихи билан таништириш, диний маърифатларни ошириш, уларнинг қалбларига иймон нуруни сингдириш бўлган. Абдулла Авлонийнинг бу асари таҳсинга сазовордир.

У ўзбек халқи маданияти, маърифати билан бир қатор-да қўшни афғон халқи ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам 1919-1920 йилларда муҳим роль ўйнаган. Шўро ҳукуматининг Афғонистондаги сиёсий вакили ва консули вазифасини бажарган.

Абдулла Авлоний асарлар ёзиш билан бир қаторда мактаблар очиш, халқни саводхон қилиши, ўзбек хотин-қизларини ўқитиш, ўқитувчилар ва зиёли кадрлар тайёрлаш билан шуғулланади. У 1923-24 йилларда эски шаҳардаги хотин-қизлар ва эрлар маориф билим юртлари мудир, 1924-29 йилларда Тошкент ҳарбий мактабида ўқитувчи, 1925-34 йилларда Ўрта Осиё Коммунистик университети, Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалиги мактабида, Ўрта Осиё Давлат университетида дарс беради. Педагогика факультетининг тил ва адабиёт кафедраси профессори ва мудир бўлиб ишлади.

У 1933 йилда ўзбек мактабларининг 7-синфи учун «Адабиёт хрестоматияси» тузиб, нашр эттирди. Абдулла Авлоний «Ҳижрон», «Набил», «Индамас», «Шуҳрат», «Тангриқули», «Сурайё», «Шапалоқ», «Чол», «Аб», «Чигабой», «Абдулҳақ» тахаллуслари билан танқидий ва илмий мақола, 4000 мисрадан ортиқ шеър ижод қилган.

Авлоний 1927 йилда «Меҳнат қаҳрамони» унвони билан тақдирланди. 1930 йилда унга «Ўзбекистон халқ маорифи зарбдори» фахрий унвони берилди.

Ҳозирда мустақил Ўзбекистонимизда Абдулла Авлоний номида бир қатор мактаблар бор. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси болалар адабиёти бўйича унинг номида мукофот таъсис этган. Тошкент кўчаларидан бири, Республика ўқитувчилар малакасини ошириш маркази ва маҳаллалардан бири унинг номида. Республика ўқитувчилар малакасини ошириш марказида Абдулла Авлоний музейи ташкил қилинган.

Абдулла Авлоний 1934 йил 25 августда вафот этди.

Унинг педагогик қарашлари бугунги кунда ўзбек миллий мактабини яратишда муҳим аҳамият касб этади. Авлоний ижодий меросини чуқур ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда.

Абдулла Авлонийнинг ақл, илм, тарбия ҳақидаги фикрлари

Энг ёмон кишилар илмга амал қилмайдиган кишилардир. Агар тарбия қилувчи муаллим олим бўлиб амалсиз бўлса, бу шогирдлар ахлоқига ёмон таъсир кўрсатади.

* * *

Тарбия-педагогика, яъни бола тарбиясининг фани демакдир. Боланинг саломат ва саодати учун яхши тарбия, танни пок тутмоқ, ёш вақтида маслакни тузатмоқ, яхши хулқларни ўргатмоқ табиблардек кабидурки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилғони каби тарбиячи боланинг вужудидаги жаҳл марказига «яхши хулқ» деган давони ичидан, «поклик» деган давони устидан бериб катта қилмоғи лозимдир.

* * *

Тарбияни туғилган кундан бошламоқ, вужудимизни қувватлантирмоқ, ахлоқимизни кучлантирмоқ, зеҳнимизни ривожлантирмоқ лозим.

* * *

Керак тарбият ёшликдан демак,
Улуғ бўлса лозим келур ғам емак.

* * *

Туғиб ташлаш билан бўлмас бола, бўлғай бало сизга,
Вужуди тарбият топса бўлур ул раҳнамо сизга
Темирчининг боласи тарбият топса, бўлур олим,
Бузилса хулқи, Лукмон ўғли бўлса, бўлғуси золим.

* * *

Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери
такрор қилиниб келинган, муаллимларнинг диққатларига
суянган, виждонларига юкланган вазифадир. Фикр инсоннинг
шарофати, ғайратли бўлишига сабаб бўлади. Бу тарбия
муаллимларнинг ёрдамига шу даражада муҳтождирки, фикр-
нинг қуввати, зийнати, кенглиги муаллимнинг тарбиясига
боғлиқдир. Дарс билан тарбия орасида бир оз фарқ бўлса ҳам
иккиси бир-биридан айрилмайдиган, бирининг вужуди бирга
боғланган жон ила тан кабидир.

* * *

Инсон ақл ва идрок соясида ўзига келадиган зарар ва
зулмлардан сақланур.

* * *

Агар ақлингнинг қўли нафсингни жоловини ушласа,
сени ёмон йўлларга кирмоқдан сақлар.

* * *

... Ҳар нарсa кўп бўлса, баҳоси арзон бўлур, ақл эса илм ва тажриба соясида канча кўпайса, шунча қимматбаҳо бўлур.

* * *

Ер юзидаги ҳайвонларни асир қилиб бўйнидан боғлаб, инларини учини қўлларига берган инсонларнинг ақлидир.

* * *

Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайдурган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидур.

* * *

Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, раҳбари, нажотидур.

* * *

Илм инсон учун гоят олий ва муқаддас бир фазилатдур. Зероки илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойна каби кўрсатур. Зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўткур қилур. Савобни гуноҳдан, ҳалолни ҳаромдан, тозани мурдордан аюруб берур. Тўғри йўлга раҳнамолик қилиб, дунё ва охирада масъул бўлишимизга сабаб бўлур.

Абдулла Авлониё ҳақида хотиралар

Мен Абдулла Авлониёнинг: «Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот—ё ҳалокат, ё саодат—ё фалокат масаласидир», - деган фикрини мушоҳада қиламан.

Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир.

И.Каримов

Абдулла Авлоний асл нусханинг мазмунини, бадий нафосати, чиройли образларини тўғри талқин қилиб, эътирос билан таржима этади... Абдулла Авлоний таржималаридаги ажойиб фазилатларни айтган билан адо бўлмайди.

Ж.Шарипов

Абдулла Авлоний ўзининг бутун куч-қуввати, ижоди, умрини ўз халқининг бахт-саодати йўлига нисор этди. Мана шу маънода Авлоний сиймоси, Авлоний фаолияти биз учун ёят қадрлидир.

Б.Қосимов, У.Долимов

Абдулла Авлоний ҳамиша ўз халқига, Ватанига содиқ қолди. Бунинг гувоҳи – унинг ижоди, унинг фаолияти! У ҳамма вақт халқ дарди билан яшади. У ўз халқи ўамига ҳамдардгина бўлиб қолмади, унинг истикболи учун қайғурди, унга озодлик ва бахт қидирди, уни муқаддас ёялар учун қуршга даъват қилди.

Б.Қосимов

Ёявий-бадий жиҳатдан етук асарлар яратган Авлоний, ҳақли равишда айтиш мумкинки, ўзбек драматургиясида комедия жанрининг яралиши ва ривожланишига улкан ҳисса қўшган адибдир.

Х.Азимова

Домла илк ўзбек драма театрини ташкил этганлар. 1914 йилда дастлабки ўзбек драма труппасини тузиб, Ҳамза, Абдулла Қодирий ва бошқа ўзбек, озар, тотор муаллифларининг драмаларини сўнага олиб чиққанлар, ўзлари ҳам бош ролларни ўйнаганлар.

З.Эшмуродова

Авлонийнинг педагогик қарашлари бугунги кунда ҳам ўзбек миллий мактабини яратишда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис унинг ижодий меросини чуқур ўрганишга кизиқиш ортиб бормоқда.

М.Раҳимов

Билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар «Мангуликка дахлдор инсон»

Танловнинг мақсади китобхонларни Абдулла Авлоний ижоди, унинг таржимаи ҳоли, панд-насиҳатлари, педагогикага доир ва бадиий асарларини юқори ўқилиши орқали кизиқишларини оширишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан ҳар бири 8-10 кишидан иборат бўлган 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга асосан ишчилар, талабалар, билим юрти ўқувчилари, кутубхоначилар киритилиши мумкин. Беллашув ташкилотчилари билимдонларга бериладиган саволларни тuzиб чиқади. Сўнгра шу саволлардан айримлари танлаб ҳар икки гуруҳга мўлжаллаб қўйилади. Кутубхонада бериладиган саволларга доир адабиётлар тайёр туриши керак. Беллашувга тайёрланиш жараёнида катнашувчилар ўша адабиётларни пухта ўқиб чиқишлари зарур.

Билимдонлар эътиборини адибнинг алоҳида нашрларига, у ҳақидаги нашрларга, таржималарига қаратиш керак.

Беллашув ўтказилаётган жойда албатта китоб кўргазмасини ташкил қилишни тавсия этамиз.

Қуйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз. Шунга қараб кутубхоначилар, билимдонлар қайси асарлардан фойдаланишлари кераклигини билиб оладилар.

1. Абдулла Авлоний мактаб ўқувчилари учун қандай дарсликлар ёзган?

(«Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим» (1912), «Тарих», «Туркий Гулистон ёки ахлоқ» (1913) каби замонаси учун муҳим ва зарур бўлган дарсликларни ёзган).

2. У қандай таҳаллуслар билан шеър, ҳикоя, фелъетон ва кичик ҳажмли драматик асарлар яратган?

(Абдулла Авлониё «Набил», «Шуҳрат», «Ҳижрон», «Авлониё», «Сурайё», «Абдулҳақ», «Индамас», «Тангриқули», «Шапалоқ», «Чол», «Аб», «Чиғабой» таҳаллуслари билан асарлар яратган).

3. Абдулла Авлониёнинг қандай драматик асарларини биласиз?

(«Пинак», «Адвокатлик осонми?», «Икки муҳаббат», «Тўй», «Съезд», «Лайли ва Мажнун», «Биз ва сиз», «Португалия инқилоби» каби драматик асарларни яратган).

4. У қайси муаллифларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган?

(Озарбайжон ва татар драматургларининг «Қотили Карима», «Уй тарбиясининг бир шакли», «Ҳиёнаткор оила», «Бадбахт келин», «Хўр-хўр», «Жаҳолат», «Ўликлар» сингари асарларини ўзбек тилига таржима қилди).

5. Қуйидаги парча муаллифнинг қайси асаридан олинган?

Отаси, суюнчи беринг, худога шукур, Сарвар хола
Ортиқбойни ҳар хил гаплар билан зўрға унатди. Мана, оқ
ўрашуб келдук.

(Ушбу парча Абдулла Авлониёнинг «Биз ва сиз» асаридан олинган).

6. Шоир инсонлар ўртасида меҳр муҳаббат, дўстлик қарор топишига, адолат ва ҳақиқат тантана қилишига, ёруғ кунлар келишига ишонч билдирган ғояларини қайси шеърда акс эттирган ва шеърдан парча келтиринг.

(Шоирнинг «Аҳволи оламдан бир намуна» шеъри бунга мисол бўла олади.

Келур улфат, адоват ўртадин калқур, кетар бир кун,
Қора кунлар кетуб, ўрнига равшанлик етар бир кун.
Адолат боғида гулхойи тарбият битар бир кун,
Очиб ғунча даҳонин шодлиғ изҳор етар бир кун,
Ўлур олам гулистон, қайғу-кулфатлар етар бир кун,
Гулоби ҳуррият атри мусаффосин отар бир кун,
Дилим, ғам чекма қўб, бир кун келур, бедор ўлур олам,
Чиқиб булбуллари чаҳ-чаҳ кулур, гулзор ўлур олам).

7. Ушбу мисралар шоирнинг қайси шеъридан олинган?

Илм бир гавҳари ноёб, йўқ ўлмас, битмас,
Илм бир нури зиёдурки, жилоси кетмас
Илм бир нури илоҳий-кишини хор этмас,
Илм бир қувват эрур-миллатини маҳв этмас.

(Абдулла Авлониёнинг «Илм» шеъридан)

8. Қуйидаги парча адибнинг қайси асаридан олинган?
У олифта йигит ғоят виқор билан меним ёнимга
ўлтирди. Ёнида попирус қутисини олиб тутатди. Жуда
завқландим. Бу ўзбек миллатининг бир фойдалиқ кишиси,
балки улуг бир адиби бўлсамукин, деб сўз қотди.

(Абдулла Авлониёнинг «Билимсиз олифталарга»
нажвий асаридан олинган).

9. Адиб «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарини нима учун икки қисмга ажратган?

(Авлонийнинг фикр-хулосасига кўра, оламнинг яратилишидан мурод инсондир. Инсон бу оламнинг зийнати ва тожидир. Оламдаги ҳамма нарсa факат унинг учун яратилган. Чунки у ақл ва юрак соҳиби. Шунинг учун ҳам у ўзига табиат ва Оллоҳ томонидан юкланган улуг вазифаларга муносиб яшаши лозим. Авлоний ана шу фикрдан келиб чиқиб, рисолаи икки қисмга ажратади. “Яхши хулқлар” деб номланган биринчи қисмида 31 фазилат, “Ёмон хулқлар” деб аталган иккинчи қисмида эса 20 иллатга таъриф беради).

10. Абдулла Авлоний қайси тилларни билган?

(Абдулла Авлоний форс, рус, озарбайжон, араб тилларини билган).

11. Адибнинг “Биз ва сиз” асари қайси адибнинг асарига ўхшаш?

(Унинг «Биз ва сиз» асари кўп жиҳатдан Ғамзанинг «Заҳарли ҳаёт» пьесасига ўхшаш).

12. Абдулла Авлонийнинг фаслларга бағишлаб ёзган шеърлари қайсилар ва уларга мисоллар келтиринг.

(Унинг фаслларга бағишланган «Баҳор», «Ёз», «Куз», «Киш» каби шеърлари бор.

«Баҳор» шеъри:

Аввал баҳор бўлса, кулур чаманлар,
Баргак ёзур гуллар, гунча даҳанлар.
Барча қушлар учар, ўқур чаманда,
Боғу бўстон, тоғу саҳро, ўрмонда).

13. Куйидаги мисралар шоирнинг қайси шеъридан олинган ва мазмунини сўзлаб беринг.

Фирдавси жинон мактаб, нодонлара жон мактаб,
Билган кишига қадрин бир доруломон мактаб,
Қўнгул ошиғи мактаб, руҳинг пишиғи мактаб,
Илму адаб ўргатгай, донанда ко(р)дон мактаб.
Жоҳиллара ғам мактаб, ялқовлара кам мактаб,
Ҳуснихат кишиларга чин руҳи равон мактаб.

(Абдулла Авлониининг «Мактаб» шеъридан).

14. Ушбу мисралар шоирнинг қайси шеъридан олинган ва шеърни давом эттиринг.

Жон болам, жоним болам, Оллоҳ сани ёринг бўлсун,
Кеча-кундуз йўлда-чўлда Тангри ғамхоринг бўлсун.

Ман сани бағримга босуб ўстириб эрдим, болам,
Ким, қаро кунда боқарсан сан мани дердим, болам.

(Абдулла Авлониининг «Онасининг ўғлига айтган сўзлари» шеъридан).

15. Абдулла Авлониий номи билан боғлиқ жойларни биласизми?

(Авлониий номида бир қатор мактаблар бор. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси болалар адабиёти бўйича унинг номида мукофот таъсис этган. Тошкентдаги йирик кўчаларидан бири, Республика ўқитувчилар малакасини ошириш марказий институти ва маҳаллардан бири унинг номида).

16. Таникли театр артисти Гавҳар Зокирова, Абдулла Авлониининг кими бўлади?

(Абдулла Авлониининг уч кизи, уч ўғли бўлган. Шундан энг тўнғич фарзандлари Сора бўлган. Унинг якка-ю ягона фарзанди Гавҳар Зокирова. У Абдулла Авлониининг набираси).

17. Абдулла Авлониининг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида кимлар китоб ёзганлар?

(А.Бобохонов, М.Махсумов, “Абдулла Авлони” (Педагогик фаолияти), Б.Қосимов “Абдулла Авлони” (Адабий-педагогик портрет), Б.Қосимов, У.Долимов “Маърифат дарғалари” ва бошқалар).

18. Қуйидаги мисралар адибнинг қайси асарида берилган?

Яхшилик қилсанг, бўлур жонинг омон,
Яхшиликдан ҳеч киши қилмас зиён,
Яхши сўз бирлан илон индан чиқар,
Сўз ямон бўлса, пичоқ қиндан чиқар.

(«Биринчи муаллим» китобидан олинган).

19. Мумтоз адабиётимизда минг йилладан бери ишланиб келган гул, булбул, ёр, ағёр, май, чарх (дунё) каби образлар мавжуд, жумладан Абдулла Авлони кимга эргашиб булбул образида қандай шеърлар ёзган, улардан намуна келиринг.

(Абдулла Авлони, Муҳаммад Ҳодига эргашиб ёзилган «Садойи булбул», «Ҳижрони булбул», «Ҳиғони булбул» каби шеърлари бор.

«Садойи булбул» шеъридан
Ќўнуб гул шоҳига булбул дер: Эй инсонлар, инсонлар,
Ќилурсиз табакай гофил ётиб афғонлар, инсонлар.

«Фиғони булбул» шеъридан
Жаҳон боғини гулзоринда фарёд этди бир булбул,
Ўтурди нағмазоринда гулин ёд этди бир булбул,
Ќўриб гул яфроғини ҳажридин дод этди бир булбул,
Висоли ёр учун юз навћа иншод этди бир булбул.

«Ҳижрони булбул» шеъридан
Баҳор ўлса, шаби ҳижрон ҳамиша зор ўлур булбул,
Гулининг ишқида фарёди хушгуфтор ўлур булбул).

20. Абдулла Авлоний рус адиби И.А.Криловнинг қайси асарларини ўзбек тилига таржима қилган?

(У И.А.Крилованинг 21 масалини ўзбек тилига таржима қилган. Жумладан, “Ғайрижинс иттифок”, “Тулки ила серка”, “Маймун ила қўзойнак”, “Ит ила йўловчи”, “Қарға ила Зағизғон” кабилар).

21. Адиб «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида ўз фикрларини ва мулоҳазаларини далиллаш учун машҳур мутафаккирлардан кимларнинг фикрларини келтиради?

(Авлоний ўз мулоҳазаларини далиллаш учун Аристотель, Платон, Гиппократ, Алкмеон, Саъдий, Мирзо Бедил сингари машҳур мутафаккирларнинг фикрларини келтиради).

22. Авлоний “Мухтасар тарихи анбиё ва тарихи ислом” асарида қайси пайғамбарларнинг қиссаларини баён этган?

(Авлоний “Мухтасар тарих анбиё ва тарихи ислом” асарида Одам алайҳиссаломдан Муҳаммад алайҳиссаломгача

ўтган пайғамбарларнинг қиссалари ва зуҳури исломни баён этган).

23. Абдулла Авлоний Ислом дини ҳақида ҳам фарзлари ҳақида бир неча мавзуларда шеърлар ёзган, уларнинг номларини келтиринг ва намуна айтиб беринг?

(Абдулла Авлоний “Намоз”, “Рўза”, “Закот”, “Ҳаж”, “Рамазони Шариф”, “Наъти ҳазрати Расули акрам” кабилар

Эй моҳи мунаввари муборак,
Фарз этди сани биза таборак.
Инсонга шараф вирди қудуминг,
Шод этгучи сан эрур умуминг,
Сансан ҳама ой ичинда сарвар,
Сандан дилу жон ўлур мунаввар.

“Рўза” шеърдан парча).

24. Қуйидаги мисралар шоирнинг қайси шеърдан олинган?

Қуръони карим нозил эдуб бизлара холиқ,
Ваҳйи ила юборди они пайғамбара холиқ.
Амр айлади бизларга амал қилмаға холиқ,
Қўндирди расулини бу умматлара холиқ.

(Абдулла Авлонийнинг «Наъти ҳазрати Расули акрам» шеъри).

25. Қайси ёзувчининг, қандай асарида Абдулла Авлонийнинг таржимаи ҳоли берилган ва унга бағишланган?

(Машҳур ёзувчи Тоҳир Маликнинг “Қалдирғоч” қиссаси).

26. Абдулла Авлоний Оллоҳ мадҳи ва пайғамбаримиз сифатлари васфи билан бошланадиган шеърлар ёзган, бунга сабаб нима?

(Шоир Оллоҳга илтижо қилар экан, миллатнинг таназзулидан «нифок, буғз, хурофот» дан дод солади, Расули акрамдан умматининг «бемор, ҳам ғариб ҳоли»га унинг муқаддас руҳидан мадад тилаб бир қанча шеърлар ёзган).

Беллашув якунини махсус ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Бунда жавобларнинг тўғрилиги, уларнинг қисқа кенглиги ҳам эътиборга олинади. Ҳакамлар ҳайъатига адабиёт ўқитувчилари, ёзувчилар ва шоирлар, журналистлар, педагоглар, шунингдек диний арбоблар, адабиёт билимдонлари таклиф этилади. Ҳолиб гуруҳ рағбатлантирилади.

Шеърхонлик беллашувини ташкил қилишга тавсиялар

Танловнинг мақсади китобхонларни шоирнинг ватан, мактаб, иффат, баҳор, илм ва бошқа мавзуларда ёзилган шеърларини юқори ўқилиши орқали қизиқишларини оширишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин китобхонлардан беш кишидан иборат гуруҳ тузилади. Уларга асосан ишчилар, талабалар, коллеж, лицей, мактаб ўқувчилари, кутубхоначилар киритилиши мумкин.

Беллашув ташкилотчилари катнашувчиларга бериладиган шартларни тузиб чиқадилар, сўнгра ҳар бир катнашувчига рақам берилади. Катнашувчилар айтмоқчи бўлган шеърнинг мавзусини, имкон бўлса қачон ёзилганлигини билиши шарт.

Беллашув ташкил қилинадиган жойда китоб кўргазмасини ташкил қилиш лозим.

Қуйида беллашувда айтиладиган шеърлардан намуна келтирамиз.

1-раќамдаги ќатнашувчи: «Иффатли инсонлар» шеъри.

Бўйинини эгмас кишига ћаќни билгон нафс учун,
Молин исроф айламас олийжанобон нафс учун,
Маслаку маќсадни сотмас чин мусулмон нафс учун.
Йиртмас иффат пардасин арбоби урфон нафс учун.

Ћар кишининг кўнглида мастур бир омоли бор,
Баъзининг бахту саодат, баъзининг иќболи бор,
Баъзининг на кулбаси, на сарф этарга моли бор,
Исматини бузмагай ћар хонавайрон нафс учун.

Турмагай боби тамада ћиммату ғайратлик эр,
Бўлса гар бир бурда нони, камбағаллар бирла ер,
Ожизу бечорани кўрган замон онларга дер:
Чўзмагай дасти тамаъни яхши инсон нафс учун.

2-раќамдаги ќатнашувчи: «Ватан» шеъри.

Сенинг исминг бу дунёда муќаддасдур,
Ћар ким сенинг ќадринг билмас-аќли пастдур.
Сенинг туйғунг юракларга савдо солур.
Сенинг дардинг бошқа дардни тортиб олур.
Еринг, сувинг бизни боќуб тўйдирадур,
Семиз-семиз кўйларингни сўйдирадур.
Олма-анор, анжир, узум-меваларинг,
Оту ћўкиз, эчки, така теваларинг.
Бизлар учун хизмат ќилур барчалари,
Ћар бирлари нозу неъмат парчалари.
Сендан туѓуб, катта бўлуб, кайтиб боруб,
Яна сенга кирадурмиз баѓринг ёруб.
Онамизсан! Бизни (нг) мушфиќ онамизсан!
Жавлон уруб яшайдурган хонамизсан!
Сени сотмоќ мумкинмидур, ўзинг ўйла...

3-ракамдаги катнашувчи: «Мактабга тарғиб» шеъри.

Оқил қошида, миллат бошида
Нурлар сочуб, яшнаб тургон мактаб эмасми?
Ўқусун ёшларимиз, бидъатни ташлармиз.
Кетсун ғафлат! Кетсун ҳиммат! Яшасун миллат!
Илму ҳунарлар, гуллар чаманлар
Ёшлар учун очиб тургон мактаб эмасми?
Боби адабдан, илму фунундан
Таълим бериб, сўйлаб тургон мактаб эмасми?
Аҳли ватанга, сарву чаманга
Булбул каби сайраб тургон мактаб эмасми?
Боғи жинондан, ҳам бўстондан
Миллий гуллар теруб тургон мактаб эмасми?
Зулму жаҳлга, нодон, бахилга
Кўкрагини керуб тургон мактаб эмасми?
Иллатга луқмон, заҳматга ҳозир
Ҳикмат дарси беруб тургон мактаб эмасми?

4-ракамдаги катнашувчи: «Гўзал баҳор» шеъри.

Эй баҳор, олам аро уйғотурсан кукулари,
Уйғотолмассан ва лекин тош юракли турклари.

Кўкдаги йиғлар булутлар ой жамолинг(ни) кўруб,
Ердаги ошно салоҳлар янги холингни кўруб.

Гул чаманда очилур ҳар кун сани(нг) завқинг ила,
Боғда булбул нағмалар айлар сани(нг) савқинг ила.

Мавж уран саҳро юзинда қирмизи ул лолалар,
Мустабидлар дастидан сенга қилурлар нолалар.

Ҳар тарафда турли қушлар чулдирар чаҳ-чаҳлашуб
Қишни зулмидин санга айлашурлар сирлашуб.

Боғу бўстонда дарахтлар гул солуб, яфроғ очур,
Ҳар бири олам китобиндан сенга сано сочур...

5-рақамдаги қатнашувчи: «Мухотабим қалам» шеъри.

Маишат бобида исломиён ҳар ерда меҳнаткаш,
Зиёи илма тарғиб айла, меҳнат боғин обод эт!

Агар қолсун десанг оламда бир таърихи осоринг,
Чолиш миллат ишина бир бинотек яхши бир од эт!

Ғариб миллатни афроди тилар сендан шу умиди,
Чақир илма, Ватан авлодини чин одамизод эт!

Белингни боғла маҳкам, шаръи онҳазратга хизмат қил,
Қаро ёшингни тўк шому саҳарлар вирди аврод эт!

Ватан меҳри агар бўлса дилингда ишқ савдоси,
Отил нури маорифга, ўзингни мисли Фарҳод эт!

Етар ғафлатда Ҳижронлиғ, кадам қўй боғи таълима,
Чолишмишлар нечук таҳсила ўтмиш таърихинг ёд эт!

Беллашув 3 босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир босқичда
баҳоланиб борилади.

Беллашувда ҳакамлар хайъати томонидан ихтиёрий
битта шарт қўйилиши мумкин. Бунда қатнашувчилар шартда
кўрсатилган шеърнинг номини ёки ўша шеърдан парча ўқиб
берилиши сўралиши мумкин. Булардан намуна келтирамиз.

1-раќамдаги ќатнашувчига.

Ќуйидаги мисралар Абдулла Авлонийнинг ќайси шеъридан олинган ва бу шеър ҳақида сизнинг шахсий изоҳингиз.

Билинг, ўғлонларим сизларни ёмдан қутқарур мактаб,
Сироти мустаќим, роҳи адамдан қутқарур мактаб,
Маишат бобида ранжу аламдан қутқарур мактаб,
Ҳаёту руҳа душман жаҳли самдан қутқарур мактаб,
Ќўлингга бир кун муҳри Сулаймонни берур мактаб.
Шаҳодатномаи фирдавси ёилмонни берур мактаб.
(Абдулла Авлонийнинг «Мактаб ҳаќинда» шеъридан).

2-раќамдаги ќатнашувчига.

Ушбу мисралар муаллифнинг ќайси шеъридан олинган ва шеърни давом эттиринг.

Ўғул, қизларни яхши тарбият бирла қилинг улкан,
Ёазаб, аччиё ила даҳшат сиёсатдан гапурманглар!

Боласини ёќитмак фарздур ҳар бир отоларга,
Ёќутмасдан, иш ётган сўнг надоматдан гапурманглар!

(Абдулла Авлонийнинг «Гапурманглар» шеъридан олинган).

3-раќамдаги ќатнашувчига.

Ќуйидаги мисралар шоирнинг ќайси шеъридан олинган ва мазмунини айтиб беринг.

Маориф бир чамандур, гуллари таъмини истиќбол,
Маориф миллатини хор қилмас, сарви жаннатдур.

Маориф бир беҳишт-ҳуру ёилмонлар макониким,
Маориф хоби ёафлатдан қочар боёи саломатдур.

(Абдулла Авлонийнинг «Маориф надур» шеъридан).

4-ракамдаги катнашувчига.

Ушбу мисралар шоирнинг қайси шеъридан олинган ва уни изоҳлаб беринг.

Илмсиз мумкинмидур топмак биза роҳи нажот,
Жаҳл ила ичмак ўлурми Ўизртас оби ҳаёт,
Илм арбобин тўфангидур қалам, ўқи-даво-
Басдур, авлодим, отил илма, жаҳолатдин уёт,
Мева чикгайму, кўзим, шунгу дарахтнинг толидан.

(Шоирнинг «Истикболдан орзуларим» шеъридан олинган).

5-ракамдаги катнашувчига.

Қуйидаги мисралар шоирнинг қайси шеъридан олинган ва уни давом эттиринг.

Қўнғлум хуш эрди мавсуми фасли баҳордан,
Боди сабо кетурди хабар васли ёрдан.
Таъби табиат айламиш атрофни сабззор,
Рашк айлаюрди Боғи Эрам бу диёрдан.

(Абдулла Авлониёнинг «Баҳор» шеъридан олинган).

Беллашув якунини махсус ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Бунда шеърларнинг маъно ва мазмуни, айтиувчининг ижрочилик маҳорати ҳам эътиборга олинади. Ҳакамлар ҳайъатига адабиёт ўқитувчилари, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар таклиф этилади. Ҳолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

Акл инсонларнинг пири комили,
муршиди ягонасидур. Руҳ ишловчи,
акл бошловчидир
Абдулла Авлоний

Маърифатпарвар шоир
(мунозара учун саволлар)

1. Абдулла Авлонийнинг педагогик фаолияти, таълим-тарбия ҳақидаги фикрлари 1905-17 йилларда янги босқичга кўтарилган маърифатчиликнинг муҳим хусусиятларини белгилашда катта аҳамият касб этади, бу борада сизнинг фикрингиз.

2. Унинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» рисоласи асрий кадриятларимиз, миллий маънавиятимиз тикланаётган бугунги кунимизда қандай аҳамиятга эга?

3. «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим» дарсликларида келтирилган ихчам ҳикояларини ёш авлодни тарбиялашда бугунги аҳамияти ҳақида фикрингиз?

4. Абдулла Авлонийнинг хайрихоҳлик, ҳақшунослик, муносилик, садокат, адолат тўғрисидаги ҳикояларидаги илгари сурилган ғоялар тўғрисида сизнинг фикрингиз?

5. Абдулла Авлонийнинг каноат, тўғрилиқ, саҳийлик тўғрисидаги ҳикоячаларидаги илгари сурилган ғояларнинг ёшларни тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти?

6. Абдулла Авлонийнинг драматурглик фаолиятини сиз қандай баҳолайсиз?

Оғзаки журнал

Кутубхоналарда ўтказиладиган кечаларнинг яна бир тури оғзаки журналдир. Тарғиботнинг бу шакли оддий журналга бир оз ўхшаб кетади. Оғзаки журнал ҳам матбуот журнали каби битта мавзуга ёки турли мавзуга бағишланган

бўлиши мумкин. Оғзаки журнал ҳам шоирнинг шеърини, мақоласини, мактаб-маориф, тарбиячи, педагогик фаолияти, олим ва давлат арбоблигига доир шарҳловчининг чиқишларини ўз ичига олиши мумкин. Журнал саҳифалари босмахонада босилмайди, аммо муаллиф сўзлари билан оғзаки тўлдирилади. Бундай муаллифлар кутубхоначилар, адабиёт ўқитувчилари, фаол китобхонлар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Оғзаки журналнинг ҳар саҳифаси бирор-бир масалага бағишланади. Саҳифаларнинг умумий сони эса одатдаги журналдан бирмунча кам бўлиб, олти бетдан ошмайди.

Кутубхонада ўтказиладиган кечалардагидек оғзаки журнални ҳам бошқарувчи, бу ерда муҳаррир деб аталувчи киши очади. Одатда у ҳар бир саҳифани очишдан илгари қисқача кириш сўзи сўзлайди, сўнг сўзни чиқувчига беради.

Қуйида Абдулла Авлонийнинг туғилган кунига 125 йил тўлиши муносабати билан ўтказиладиган оғзаки журналнинг тахминий режасини тавсия этамиз. Ундан маърифатпарвар шоир Абдулла Авлоний таваллудига бағишланган кеча ўтказишда фойдаланиш мумкин.

«Абдулла Авлоний шоир, драматург, журналист ва олим» номли оғзаки журналнинг намунавий режаси

Абдулла Авлонийнинг ҳаёти ва ижодини, драматург, журналист, ўзбек театрининг асосчиси ва таржимачилигини кенг китобхонлар ўртасида тарғиб этишда «оғзаки журнал»лар алоҳида ўрин тутаяди.

Оғзаки журнал ўтказиш тўғрисидаги битик (эълон)лар осиб қўйилади ва маҳаллий матубот орқали хабар берилиши керак; оғзаки журнал ўтказиш учун зални жиҳозлаш, керакли мутахассисларни таклиф этиш, журнал саҳифалари учун фаол китобхонлардан ёки мутахассислардан танлаб олиш, тартибни режалаштириш, журнал муҳарририни тайинлаш, мусиқали

ёзувларни тўплаш, таклифнома буюртириш ва шу каби ташкилий ишларни амалга ошириш лозим.

Оғзаки журнални муҳаррир кириш сўзи билан очади.

1-саҳифа: «Абдулла Авлониёнинг ёшлик йиллари».

2-саҳифа: «Унинг иш фаолияти».

3-саҳифа: «Илк ижоди ва драматурглиги».

4-саҳифа: «Абдулла Авлониё-таржимон».

5-саҳифа: «Авлониё ҳаётининг сўнгги йиллари».

Ушбу саҳифалар бўйича мутахассислар танланиб, чиқишлар қилинади.

Ҳар саҳифадан сўнг мусиқали танаффус берилади.

1-саҳифа

«Абдулла Авлониёнинг ёшлик йиллари»

Ушбу саҳифада Абдулла Авлониёнинг туғилган йили, болалигининг кечиши, дастлабки мактаб даври ва ўқувчилик даврининг кечиши ва яқунланиши ҳақидаги маълумотлар берилади.

2-саҳифа

«Унинг иш фаолияти»

Бу саҳифада эса меҳнат фаолиятининг бошланиши, дастлабки иш жойлари ва меҳнатининг тақдирланиши кабиларни ёритувчи маълумотлар берилади.

3-саҳифа

«Илк ижоди ва драматурглиги»

Бу саҳифада Абдулла Авлониёнинг биринчи шеъри, шоир сифатида шаклланиш даври, драматургия бўйича олиб борган ишлари ҳақида гапирилади.

4-саҳифа

«Абдулла Авлоний - таржимон»

Ушбу саҳифада унинг таржимонлик фаолияти ҳақида гапирилади.

5-саҳифа

«Абдулла Авлоний ҳаётининг сўнгги йиллари»

Бу саҳифада унинг сўнгги йиллардаги ижоди ҳақида гапирилади.

«Абдулла Авлоний шоир, драматург, журналист ва олим» номли оғзаки журнал муҳаррири ҳар бир саҳифа бошланиши ва сўнгида саҳифаларни тўлдириб бориши зарур. Оғзаки журнал сўнгида муҳаррир хулосавий, якуний сўзни сўзлаб журнални ёпади.

«Абдулла Авлоний маърифатпарвар шоир» номли китоб-суратли кўргазмани ташкил этиш учун материаллар

Таклиф этилаётган китоб кўргазмасининг мақсади кутубхонада ўтказиладиган учрашув ва тадбирларни тўлдиради, кенг мустақил ўтказишга ёрдам беради.

Кўргазма қуйидаги бўлимларн ўз ичига олади:

1. Абдулла Авлоний биографиясининг саҳифалари

Абдулла Авлоний ҳамиша ўз халқига, Ватанига содиқ қолди. Бунинг гувоҳи – унинг ижоди, унинг фаолияти! У ҳамма вақт халқ дарди билан яшади.

Б.Қосимов

Бу бўлимга Абдулла Авлоний биографияси берилган нашрлар қўйилади.

2. Мукаммал инсонни ўйлаган шоир

Баданнинг саломат, қувватли бўлмоғи
инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқумоқ,
ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучли,
касалсиз жасад лозимдур.

Абдулла Авлоний

Бу бўлимга илм, ахлоқ, тарбияга боғлиқ бўлган алоҳида нашрлар ва вақтли матбуотда чоп этилган шу мавзуга доир нашрлар қўйилади.

3. Оқ тонгларни орзулаган шоир

Олиб таълим сандин ўзгалар илгори кетдилар,
Фунун таърихларингни шарҳ этиб аслига етдилар.
Фалотун, Бу Али Синоларингдан ишлаб ўтдилар,
Сану авлодинг осори қадимларин унутдилар,
Кўзинг оч, ётма, ғафлатдан ўсон, миллат, ўсон, миллат,
Топар сан бирла авлодинг омон, миллат, омон, миллат.

Абдулла Авлоний

Бу бўлимга Абдулла Авлонийнинг бугунги кунимизни орзу қилган ватан, одоб-ахлоқ мавзусидаги асарлари қўйилади.

4. Абдулла Авлоний – таржимон

Бу бўлимга адиб таржима қилган асарлар қўйилади.

Қуйида яна кутубхоналар ўтказиши мумкин бўлган тадбирлар туркумини ҳавола этамиз.

Мавзулар тахминий бўлиб, вилоят кутубхонасидан то қишлоқ кутубхоналаригача ҳар бир кутубхона тадбирларнинг ўзи учун маъқул шаклни танлаб олиши, уларни маҳаллий материаллар билан тўлдириши мумкин.

Конференция

1. «Абдулла Авлонийнинг ўзбек педагогикаси тараққиётидаги ўрни».

2. «Педагог-олимнинг иқтисодиёт соҳасидаги фикр ва мулоҳазалари» каби мавзуларда;

«Маърифат куйчиси» мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Савол-жавоб кечаси

1. «Абдулла Авлоний ва ўзбек театри».

2. «Абдулла Авлоний жамоат арбоби»;

«Шарафли ҳаёт» мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Мунозара кечаси

1. «Шайх Саъдийнинг Абдулла Авлоний ижодида таъсири».

2. Абдулла Авлонийнинг бош консул бўлиб ишлаш вақтида «Афғон саёҳати» хотиралари мавзусида;

«Ватанини улуғлаган шоир» мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Давра суҳбати

1. « Авлоний асарларида маърифатнинг куйланиши».

2. «Абдулла Авлоний асарларида тарбия, ахлоқ, ақл, илм, виждон, ватан туйғуларининг улуғланиши».

3. «Абдулла Авлонийнинг татар, озарбайжон, усмонли қардошлари билан яқинлиги»;

«Истикболни орзулаган шоир» мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Билимдонлар беллашуви

1. «Абдулла Авлоний тарихималарини биласизми?»

2. «Абдулла Авлоний драмаларини биласизми?»

3. «Авлонийнинг педагогик фаолиятини биласизми?»

«Меҳри дарё маърифатпарвар» мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Мавзули кеча

1. «Абдулла Авлоний шеърларида намоз, рўза, закот, ҳаж мавзуларининг қаламга олинishi».

2. «Абдулла Авлоний шеърларида Оллоҳ, Расули акрам ва бошқа пайғамбарларнинг образларини берилишидан кўзланган мақсад?»

«Икки саодатни улуғлаган шоир» мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Учрашув кечаси

1. Бегали Қосимов

2. Улуғбек Долимов

3. Гавҳар Зокировалар билан;

«Машҳур тарбиячи» мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Хотира ва қадрлаш соати

1. «Маърифатпарвар ҳиматлари»

2. «Истеъдодли шоир эдилар»

3. «Унинг чироғи ёниқ»

4. « Илм улуғлаган инсон» каби мавзуларда;

«Умри боқий инсон» каби мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Қатнашувчилар: жойлардаги «Маънавият ва маърифат», «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Олтин мерос», «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари вакиллари, хотин-қизлар қўмиталари ходимлари, филологлар, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, санъаткорлар, диншуносларни ҳамда кенг китобхонлар оммасини жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар

Каримов И. Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин.-Т.: Ўзбекистон, 1998.-30 б.

Баркамол авлод орзуси /Тузувчилар: Ш.Қурбонов, Х.Саидов, Р.Аҳлиддинов.-Тўлдирилган 2-нашри. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2000.-248 б.

* * *

Авлоний Абдулла. Танланган асарлар: 2 жилдлик. 1-жилд. Шеърлар, ибратлар /Тўпл., нашр.тайёрл., ва сўзбоши муаллифи: Б.Қосимов; Изоҳлар ва луғатни: О.Тўлабоев тузган.-Т.: Маънавият, 1997.-272б.- (Истиқлол қаҳрамонлари).

Авлоний Абдулла. Танланган асарлар: 2-жилдлик. 2-жилд. Пандлар, ибратлар, ҳикоятлар, набийлар ҳаёти, драмалар, мақолалар, саёҳат хотиралари /Таҳрир ҳайъати: О.Шарафиддинов ва бошқ.; Тўпловчи: Б.Қосимов; Изоҳлар ва луғатни О.Тўлабоев тузган.-Т.: Маънавият, 1998.-304 б.- (Истиқлол қаҳрамонлари).

Авлоний Абдулла. Гулистон ёки ахлоқ /Сўз боши М.Махсумовники.-Т.:Ўқитувчи, 1967.-80 б.

Авлоний Абдулла. Тошкент тонги: Шеърлар, масаллар, ривоятлар, драмалар /Тўпловчи ва сўз боши муаллифи Б.Қосимов.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти,1979.-391 б.

Авлоний Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.-Т.: Ўқитувчи.1992.-62 б.

Авлоний Абдулла. Ўсон, миллат! /Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи Б.Қосимов, Ш.Ризаев.-Т.: Шарқ, 1993.-144 б.- (Истиқлол фидойилари).

* * *

Авлоний Абдулла. Аҳволи оламдан бир намуна: (Мардикорнинг) хотунига айтган сўзи: [Шеърлар] //Гулистон.-1978.-№7.-Б.10-11.

Авлоний Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ: [Тарбия ҳақида] //Фан ва турмуш.-1984.-№11.-Б.26-27.

Авлоний Абдулла. Афғон саёҳати: Ўтмиш ҳужжатлари /Нашрга тайёрловчи: Б.Қосимов //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1989.-25 авг.

Авлоний Абдулла. Фолчиларнинг сири: [Ҳикоя] //Ёш куч.-1990.-№6.-Б.16-18.

Авлоний Абдулла. Афғон саёҳати: [Адибнинг респ.партия ва ҳукуматнинг топшириғи билан 1919й-1920й. июлигача мухтор элчи бўлиб Афғонистонда тургани хотираларидан] //Шарқ юлдузи.-1991.-№7.-Б.182-200.

Авлоний Абдулла. Аҳволи оламдан бир намуна: [Шеър] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1993.-27 авг.

Авлоний Абдулла. Ҳикматларидан //Ислом нури.-1995.-4 (112)-Б.4.

* * *

Абдулла Авлоний (1878-1934) //Мирвалиев С. Ўзбек адиблари (ихчам адабий портретлар).-Т., 1992.-Б.7-8.

Абдулла Авлоний //Оталар сўзи – ақлнинг кўзи /Тузувчи-муаллиф Е.Саитов.-Т.: Ўқитувчи, 1992.-Б.119.

Абдулла Авлоний (1878-1934) //Мирвалиев С. Ўзбек адиблари (ихчам адабий портретлар).-Т.: Фан, 1993.-Б.13-15.

Абдулла Авлоний (1878-1934) //Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар) /Масъул муҳаррир: М.М.Хайруллаев.-Тўлд.қайта нашр.-Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 1999.-Б.365-368.

Абдулла Авлоний (1878-1934) //XX аср ўзбек адабиёти тарихи: Ун-тлар ва пед.ин-тлари бакалавр ихтисосини

олувчилар учун дарслик /Н.Каримов, С.Мамажонов, Б.Назаров ва бошқ.-Т.: Ўқитувчи, 1999.-Б.81-93.

Абдулла Авлоний (1878-1934) //Ўзбек педагогикаси антологияси. 2-жилд. /Тузувчи-муаллифлар: С.Очил, К.Пошимов.-Т.: Ўқитувчи, 1999.-Б.39-47.

Абдулла Авлоний (1878-1934) //Мирвалиев С. Ўзбек адаблари: (XX аср ўзбек адабиёти).-Т.: Ёзувчи, 2000.-Б.9-10.

Абдулла Авлоний 1878-1934 //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд. А-Бешбалиқ. Таҳрир ҳайъати: М.Аминов, Б.Аҳмедов, Ғ.Бобоев ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат миллий нашриёти, 2000.-Б.73-74.

Абдулла Авлоний. Истиқлол қаҳрамони: [«Маънавият» нашрлари хусусида] //Ёзувчи.-1998.-16 сент.

* * *

Қосимов Б. Абдулла Авлоний: (Адабий-педагогик портрет).-Т.: Ўқитувчи. 1979.-56 б.

Қосимов Б. Излай-излай тоғаним...: Рисола.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.-272 б.

Тоҳир Малик. Қалдирғоч: Қисса.-Т.: Ёш гвардия, 1987.-236 б.

Муаллиф бу қиссасининг қаҳрамони Асадулло Мираълам деб таништирилганига қарамай, асар Абдулла Авлонийга бағишланган.

Шарафли ҳаёт //Қосимов Б., Долимов У. Маърифат дарғалари.-Т.: Ўқитувчи, 1990.-Б.26-102.

Маърифат-тараққиёт мезони //Иброҳимов А. ва бошқ. Ватан туйғуси /А.Иброҳимов, Х.Султонов, Н.Жўраев.-Т.: Ўзбекистон, 1996.-Б.345-352.

Азимова Ғ.И. Абдулла Авлоний драматургияси (ғоявийлик ва маҳорат): (10.01.02) /Ўзбекистон Респ. ФА А.Навоий номидаги Тил ва адабиёт ин-ти.-Т., 1999.-26 б.

Жадидчиларнинг маърифатпарварлик ҳаракатлари ва унинг халқ маънавиятини қўтаришда тутган ўрни //Отамуратов С., Раматов Ж., Хусанов С. Маънавият асослари: Маърузалар матни.-Т., 2000.-Б.139-147.

* * *

Авлонова Х. Дадам ҳақида: [Абдулла Авлониий ҳақида] //Совет Ўзбекистони.-1978.-№9.-Б.15.

Азимова Ў. Миллий комедия устаси: Талқин ва тадқиқотлар //Тафаккур.-1998.-№4.-Б.82-84.

Бозоров А. Ахлоқ илми асоси //Маърифат.-1992.-16 сент.

Раҳмонов М. Мангуликка дахлдор инсон: [Абдулла Авлониий ҳақида] //Маърифат.-1994.-5 янв.

Турсунов Т. Абдулла Авлониий ва ўзбек театри //Гулистон.-1998.-№6.-Б.50-51.

Эшмуродова З. У биринчи эди: [Абдулла Авлониий ҳақида] //Ўзбекистон Contact.-1992.-№3.Б.8-9.

Қосимов Д. Иқтисод ҳам санъат: [А.Авлониийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асаридаги «Иқтисод» боби ҳақида] //Тошкент ҳақиқати.-2001.-6 янв.

Ҳошимов К. Саодатга элтувчи: [Авлониийшунос олим, профессор Абдулла Авлониий ҳақида. М.Раҳимов ёзиб олган] //Тошкент оқшоми.-1995.-27 март.

Босишга рухсат этилди «___»_____2003 йил
Бичими _____нашр. т.____ нусха. Буюртма №_____

Тошкент, Х.Сулаймонова кўчаси,33. Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида
чоп этилди

